# Қардошлигимиз рамзи

**Самимий қардошларча дўстлик, ўзаро беғараз ёрдам, мақсад ва интилишларнинг муштараклиги — бугунги кунда мамлакатимиз халқларининг барча турдаги ҳамкорликлари ва ўзаро муносабатларининг характерли хусусияти бўлиб қолди.**

**Қардош арман халқи бошига тушган шу мусибатли кунларда ўзбек халқи ҳам барча совет халқлари қатори ўз биродарининг оғирини енгил қилишга отланди.**

**Матбуот хабарларига кўра, бугунга қадар Арманистонга республикамиздан ташкилий равишда ўнлаб кранлар, экскаваторлар, автосамосваллар, вагон ётоқхоналар юборилди. Иссиқ кийимбош, электр иситгичлар, одеяллар, этиклар, палаткалар, зарур медицина асбоб-ускуналари, 320 флакон қон жўнатилди. «Ўзбекистон комсомоли» поезди ҳам йўлга чиқди. Аҳолидан корхона ва муассасалардан, олий ўқув юртлари ва жамоат ташкилотларидан, барча ахборот воситалари ҳамда колхоз ва совхоз коллективларидан махсус 700412 счетга мунтазам равишда маблағлар ўтказилмоқда. Биз ҳам худди ана шундай беғараз ёрдамни, маънавий мададни Тошкент зилзиласи оқибатларини тугатиш ишида ҳис этган эдик. Ўшанда арман қурувчилари бизга 15,3 минг квадрат метр уй-жой қуриб беришган эди.**

**Ўзбек ва арман халқлари ўртасидаги дўстликни, қон-қардошликни ифода этувчи юқоридаги каби мисолларни яна истаганча келтириш мумкин. Зеро, бизнинг дўстлигимиз, мақсад ва интилишларимиз бирлигини «Адабиётларимиз дўстлиги» деб аталмиш китобнинг заррин саҳифаларида баён этилган ранг-баранг фактик материаллар ҳам тасдиқлайди.**

«Алпомиш» ўзбек фольклорида, «Довуд Сосуний» эса арман халқ оғзаки ижодиётида халқ қаҳрамонлик достонларининг энг машҳури бўлиб, уларда халқнинг босқинчиларга қарши олиб борган кураши асар қаҳрамонларининг фаолияти орқали тасвирланади.

Ўзбек ва арман фольклори порлоқ келажакка ишонч, оптимизм, душманга нафрат, она диёрга муҳаббат ғоялари билан йўғрилгандир. Шу сабабли улар асрлар давомида ҳам ўзбек ёзувчиларининг, ҳам арман адибларининг ижоди учун битмас-туганмас манба бўлиб қолди.

Айниқса, тараққийпарвар арман адиблари Хачатур Абовян, Аветик Исаакян, Ованес Туманян, Наири Зарьянлар халқ оғзаки ижоди материалларидан унумли фойдаланганлар. Адабиётимизнинг улуғ бобокалони Алишер Навоий ҳам машҳур «Хамса»ни яратишга киришар экан, жаҳон халқларининг фольклор асарларини, жумладан арман халқ оғзаки ижодини ҳам кунт билан ўрганади, улардан озуқланади. Навоий беш аср муқаддам Арманистон (Алишер Навоийда эса Армания) гўзаллигини «Фарҳод ва Ширин» достонида қуйидагича таърифлаганди:

**Эрур ғарбида ул махваш макони,**
**Ки холо Армания дерлар они.**
**Ериндур нузхат ичра жаннат осо.**
**Аннинг ёнида тоғи чарх фарсо.**
**Эрур бу нав ул махваш хаёли,**
**Ки ул манзилда солғой қаср олий.**

Достондаги икки халқ фарзандлари — чин ўғлони Фарҳод ва арман қизи Ширин ўртасидаги муҳаббатни ўзбек шоири А. Навоий томонидан жуда зўр пафос билан куйланганлиги, бу халқлар ўртасида улуғ шоиримиздан илгари ҳам дўстлик алоқалари мавжуд бўлганлигини тасдиқ этади.

Октябрь инқилоби ғалабасидан кейин, айниқса адабий алоқаларимиз уфқи янада кенгайди.

1939 йили ўтказилган «Довуд Сосуний» халқ эпосининг 1000 йиллиги барча адабиёт ихлосмандлари қатори ўзбекистонлик китобхонлар байрамига ҳам айланиб кетди. Ўша йиллари Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонининг Мкртич Корюн таржимасида, «Довуд Сосуний» эпосининг дастлаб Ойбек, сўнг Мақсуд Шайхзода ва Ғафур Ғулом таржимасида ўзбек тилида чоп этилиши икки қардош халқ адабий алоқаларининг ифодаси бўлди.

Улуғ Ватан уруши йиллари Ойбек ва Аветик Исаакян, Комил Яшин ва Наири Зарьян, Ҳамид Олимжон ва Гегам Срян, Шайхзода ва Геворк Эмин, Зулфиар ва Сильва Капутикян сингари бошқа жуда кўплаб ўзбек ва арман ёзувчилари Совет Иттифоқи халқларининг мустаҳкам бирлигини, жанг майдонларидаги мардлиги ва матонатини улуғловчи, ғалабага тўла ишонч руҳи билан суғорилган ажойиб асарларини ижод этишди.

1961 йили Арманистон адабиёти ва санъатининг Ўзбекистонда, ўзбек адабиёти ва санъатининг эса дўстларимиз диёрида бўлиб ўтган ҳафталиклари муносабати билан бу икки қардош халқ ўртасидаги алоқалар янада мустаҳкамланади. Шу муносабат билан «Совет Ўзбекистони шоирлари», «Ўзбек ҳикоялари», «Ўзбек пьесалари» тўпламлари арман тилида нашр этилди. Арман адибларидан Ованес Туманяннинг «Ануш» достони, Егише Чаренцнинг «Чаренцдан салом» китоби, Гарегин Севунцнинг «Теҳрон» дилогияси, Сильва Капутикяннинг «Шеърлар» тўпламлари ўзбек тилида босилиб чиқди. 1961 йили ўзбек тилида нашр этилган Наири Зарьяннинг «Ацаван» романини ўқиган китобхон кўз ўнгида, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш йилларида бўлиб ўтган воқеалар гавдаланади. Ўзига хос миллий руҳ, оригинал услубда ёзилган арман ёзувчисининг бу романи рус адиби Михаил Шолоховнинг «Очилган қўриқ», тожик прозаиги Жалол Икромийнинг «Шоди», ўзбек носири ва драматурги Абдулла Қаҳҳорнинг «Қўшчинор чироқлари» асарлари билан мавзу ва ғоявий мазмунига кўра жуда жуда ҳамоҳангдир.

Ойбек, Шайхзода, Ғафур Ғулом, Зулфия, Эркин Воҳидов, Туроб Тўла, Қодир Мирмуҳамедов, Тўлқин Алимов, Муҳаммад Али сингари ўзбек қаламкашлари қардош арман адабиётининг Ўзбекистондаги таржимонлари ва тарғиботчилари саналадилар.

Арманистонда бўлиб ўтган ўзбек адабиёти ва санъати декадасининг иштирокчиси, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Саид Аҳмад «Матонат» сарлавҳали мақоласида табиий офат туфайли мусибат онларини ўз бошидан ўтказаётган арман халқининг нурли истиқболи ҳақида шундай ёзади:

«Мен жаннатдек яшнаган Ленинакан билан Кировакан шаҳарларининг хиёбонларида кўп кезганман...

Ҳали вақт келиб янгидан кўтарилган Ленинаканнинг, Кироваканнинг муҳташам саройларида арман булбули Гоар Гаспаряннинг қўшиқлари, ғазалхон қизи Сильванинг шеърлари, беқиёс бастакор фарзанди Арам Хачатурян тароналари янграйди.

Толеи Арарат чўққиларидан баланд, кўнгли Севан сувларидек беғубор, хаёллари Саёт Наво илҳомидек сўнгсиз, фарзандлари Довуд Сосунийдек ёвқур, хонадони сонсиз-саноқсиз юлдузларни бағрига жо қилган Бюракан расадхонасидек кенг арман халқининг жароҳати дўстлик, қардошлик меҳрининг қўри билан, юрак ҳарорати билан шифо топади».

Ҳа, қардошларимиз диёри Арманистоннинг вайрон бўлган шаҳарларини, Тошкент жароҳатига малҳам бўлгани каби, тақдирдошлик ва қардошлик ришталари билан узвий боғланган кўп миллатли совет халқи шак-шубҳасиз янада гўзал, янада салобатли қилиб танлай олади.

**Шуҳрат УСМОНОВ,**
**Шарифа МИРЗАЕВА,**
**Тошкент Давлат маданият институтининг доцентлари.**



Гўзал Тошкентимизда бир-биридан чиройли, кўркам кўчалар ва осмонўпар бинолар. жуда кўп. Улар шаҳар ҳуснига ҳуси қўшиб турибди.

Т. Каримов фотоси.

# Нафосат гулшани

## Шеърият бурчаги

### Бир ўқ...

Бир ўқ пора этди Пушкин кўксини
Набиев юрагин тешди ўша ўқ.
Қабиҳ кимса тутгач ўқнинг измини,
Доҳий кўксини ҳам аягани йўқ.
Тарих — ҳакам ўзи, сўзлайди букун;
Ҳақ сира синмаган, гоҳо эгилган.
Қабиҳга — битта ўқ,
Эзгулик учун —
Мангу ҳаёт
ва
кенг кўкрак берилган!

### Саккизлик

Қаҳрамон эмассиз қўш-қўш орденли,
Ёки ном чиқарган олим ҳам эмас.
Оддий бир меҳнаткаш, қўллари қадоқ
Оддий бир инсонсиз — элдан кам эмас.
Отажон, шу қадоқ қўлларингизга
Лаб босай — танамга ором югургай.
Қадоқлар — бу ҳалол умрингиз акси
Қадоқлар бағрида диёнат тургай!

Дилмурод САИДОВ,
ўқитувчи.

## Қатралар

### Таъна

**Маҳалламиздаги нон магазинига кирсам, тўполон устидан чиқиб қолдим. Кўринишидан туппа-тузук бир йигитни беш-олти киши ўртага олиб насиҳат қилишипти. Айби — сотувчидан 5 тийин қайтимини сўраган экан...**

**Тилла тақинчоқлар тақиб олган бир аёлнинг гапини эшитинг-а: «Эркак кишимисан ўзи? Уялмайсанми? Мен 50 тийин қайтим бўлса ҳам олмай кетаман. Беш кунлик дунё бўлса, диёнатсиз».**

**Ҳой, одамлар «Беш кунлик дунё» дейдиганлардан қўрқинг.**

### Оқил

**Қўшнимиз Абдулла ака вафот этди-ю, оила эркаксиз қолди.**

**— Хонадонимиз чироғи ўчмаса бўлди, — деб ўйларди Мамлакат опа.**

**Хонадон соҳибаси ва қариндош-уруғлар маслаҳатлашиб, бош куёв — Ғанижондан ичкуёв бўлиб келишини илтимос қилишди. Кўплар бу масала хусусида ҳар хил фикрлар билдиришди.**

**— Ичкуёв сенга ўғил бўлармиди? — дейдиганлар ҳам топилди.**

**Лекин Ғанижон бола-чақаси билан кўчиб келдию, одамларнинг фикри ўзгара бошлади. Чунки Ғанижон меҳнатсевар, ширинсухан, инсонларга меҳрибон йигит экан. Оиланинг кам-кўстига камарбаста бўлди. Янги уйлар қурди, эскилари ремонт қилинди. Ҳовлига эса ҳар хил гуллар экилди. Хонадонга кирган кишининг дили равшан бўлиб чиқарди.**

**— Барака топсин, жуда серғайрат, олижаноб йигит экан, — дейдиганлар кўпайиб қолди.**

**Шу орада уй соҳибаси ҳам вафот этди. Бир йиллик маросимларни жуда катта иззат-икром билан ўтказди. Маҳалладошлар бўлса:**

**— Ўғлинг бўлса, шу Ғанижонга ўхшаган бўлса, — деб ният қилишади. Биринкетин учта қайинсингил етилиб келарди. Уччаласини ота-онадан ҳам зиёд тўйлар билан турмушга чиқарди. Ҳаммаси бола-чақали бўлиб, бахтли ҳаёт кечирмоқдалар. Ғанижонни эса ўз оталаридек кўришади. Қўшнилар эса ичкуёв эмас, жонкуёвимиз деб фахрланишади.**

**Бу дунёда Ғанижондек йигитларимиз бор экан, аминманки, авлодларимиз ёқиб кетган шамчироқ ҳеч қачон ўчмайди.**

**Шомаҳмуд ШОБИЛОЛОВ.**

# УЧИБ КЕТГАН ҚАЛДИРҒОЧЛАР

(Ҳикоя)

1

Уйимизнинг шифтида қалдирғочнинг уяси бор. У бундан тўрт йил илгари қурилган. Янги уйга, яъни ҳозир яшаётган уйимизга кўчиб ўтганимизда айни баҳор эди. Қалдирғочлар ўзларининг эски уясида бир-икки кун яшагач, ҳовлида ҳеч ким яшамаётганини англашдими, улар ҳам кўч-кўчга тушиб қолишди. Олдин янги ҳовлида чарх уриб учишди. Сўнг онам иккаламиз ётадиган пешайвонли хонага учиб киришди. Ўша ерда узоқ вақт чирқиллашди, назаримда қаерга уй қуриш кераклигини келишиб олишди. Қалдирғочлар тумшуқларида лой келтириб уя қуришга киришишди. Эртадан қора кечгача тинишмасди. Улардан бири тумшуғидаги лойни ҳар доимгидек қўяётган эди, яримлаб қолган уя михдан ажралиб, ерга қулаб тушди. Буни кўрган иккинчи қалдирғоч, тумшуғидаги лойни ташлаб юборди, хонани айланиб чирқиллашди, сўнг «айбдор»ни чўқий бошлади. Иккаласи уришиб қолишди. Мен нафасимни ичимга ютганча, уларнинг ҳатти-ҳаракатини кузатиб турдим. Охири улар чирқиллашдан тўхташди... Ҳовлидаги симга қўнишди.

Қалдирғочнинг уяси ерга тушиб, титилиб кетганини кўрган онам мендан шубҳа қилиб сўрадилар:

— Буни ким туширди?..

Мен унинг қандай тушиб кетганлигини, сўнг икки қалдирғоч уришиб қолганлигини айтиб бердим.

— Эсиз, шунча қилган меҳнатлари зое кетди... Янгисини битиргунга қадар яна анча кун ўтади. Бола қўйишга кечикиб қолишади, — дедилар онам. Сўнг бир оз ўйланиб туриб, менга буюрдилар: уларга ёрдамлашишимиз керак! Ошхонадаги қутичадан мих ол. Сўнг тахтача ҳам топиб кел...

Онамнинг айтганларини муҳайё қилдим. Ташқаридан сандални келтириб,

2

устига курсичани қўйдик. Онам столни ушлаб турдилар, мен эса унинг устига чиқиб, михларни қоқдим, кейин тахтачани михга қимирламайдиган қилиб боғладим. Кечаси қалдирғочлар биз тайёрлаган тахтачанинг устида тунашди.

Эрталаб кўзимни очиб қарасам, аллақачон иш бошлашибди. Олдингига нисбатан жуда тез ҳаракат қилишар, келтираётган лойлари исроф бўлмас, фақат тахтанинг атрофини ўрашмоқда эди. Уя жуда тез битди. Сўнг унинг ичига хас таший бошлашди. Уя бутунлай қуриб битказилгач, қалдирғочлар навбатма-навбат ташқарига чиқадиган бўлишди...

Мактабдан келиб тушлик овқатни еяётган эдим. Қалдирғочнинг уясидан полапонларнинг чирқиллаган товуши келди. Жўжа очилганлигини англадим. Шу пайт улардан бири уяга келиб қўнди, полапонларнинг сап-сариқ тумшуқчалари кўринди. Она қалдирғоч оғзидаги ҳашаротни чеккадаги боласининг оғзига солди. Ташқарига чиқиб кетгач, иккинчиси келди. У адашмасдан навбатдаги полапоннинг оғзига емак тутди. Қалдирғочларнинг адашмасдан, навбатма-навбат полапонларига емак беришига ҳайрон қолдим.

Улар уя оғзида кўриниш бера бошлади. Лекин ҳали кичик, қанотларининг нозиклиги кўриниб турар, шунда қалдирғочлардан бири келиб, «шўхроқ» боласини ичкарига киритиб кетарди. Полапонлар тинмай ташқарига интилар, уя олдига чиқиб, қанотларини силкитишарди. Бир кун биттаси тап этиб ерга қулаб тушди. Шу пайт қалдирғочлар келиб қолди. Менинг қўлимдаги полапонни кўриб, чирқиллаб юборишди. Бошимда тинмай айланишар, қанотлари билан юз-кўзимга уришарди. Полапонни жойига қўйганимдан сўнггина қалдирғочлар тинчишди...

3

Бир кун қарасам қалдирғочлар болаларини учишга ўргатишяпти. Демак, полапонларнинг қанотлари қотиб, кучга тўлган. Қалдирғочларнинг бири хонани айланиб, яна уя оғзига бориб қўнар, сўнг болалари бирин-кетин бу кўрсатмани бажаришарди. Полапонлар ташқарига учиб чиқадиган бўлди. Уларнинг «машқ-майдони» кенгайди. Ҳовлидаги сим дордан уяга, уядан ташқарига учиб чиқишарди. Лекин емакни ҳануз ўзлари келтириб бермоқда эди. Учиш майдони аста-секинлик билан кенгайди, қалдирғочнинг болаларида мустақиллик пайдо бўла бошлади.

Менда қалдирғочлар уяни болаларига ташлаб кетармикин ёки бу йилдан сўнг ўзлари қайтиб келармикин, деган савол туғилди. Бу саволга жавоб топиш учун тажриба ўтказмоқчи бўлдим. Она қалдирғоч билан ота қалдирғоч доимо ёнма-ён учиб юрар, болаларидан каттароқ эди. Улар кирганда шартта эшикни ёпдим. Қалдирғочлар хонани айланиб уча бошлашди. Бошимдаги дўппини олиб отдим. Биттаси чап бермоқчи бўлиб деразага тарс этиб урилди-да, гиламнинг устига ағанаб тушди. Ушлаб олгач, оёғига латта боғлаб қўймоқчи, бу йилдан сўнг ўзлари келадими ёки болалари, шуни аниқламоқчи эдим. Мен уни бориб ушлашга улгуролмадим. Сандиқнинг тагига кириб ётган мушукни кўрмаган эканман. Қалдирғоч ўзини ўнглаб олмасдан мушук уни таппа босди. Бақириб юбордим. Мушук оғзидаги қалдирғочни ташлаб, ўзини қия очиқ эшикка урди. Бироқ қилган ҳаракатим беҳуда кетди. Бўғзидан тишланган қалдирғоч бир-икки типирчилади-да, жон берди. Омон қолган қалдирғоч тепамда чирқиллаб айланар, мен эса жонсиз

4

қолган қалдирғочни нима қилишни билмай қўлимда ушлаб турардим. Шу пайт қалдирғочнинг болалари учиб келди. Улар бошимда чирқиллашиб айлана бошлашди. Бу воқеанинг устига кириб келган онам:

— Ҳой, нима қилиб қўйдинг.. — дедилар жаҳл билан.

Мен ўзимнинг айбимни яширдим. Қалдирғоч ўзини деразага уриб йиқилиб тушди, уни мушук бир тишлашда ўлдириб қўйди, дедим.

— Энди улар учиб кетишади! Энди асло келишмайди. Уйимизга қалдирғоч уя қўймайди... — дедилар афсус билан.

Қалдирғочлар ташқарига чиқиб, чирқиллай бошлашди. Ҳовлини қалдирғоч босиб кетди. Улар ҳам қўшилиб чирқилларди.

— Кўряпсанми? — дедилар онам. — Улар йиғлашяпти...

Ҳар куни эрталаб қалдирғочларнинг чуғур-чуғуридан уйғонардим. Кўзимни очар эканман, нигоҳим бўш уяга тушди. Беихтиёр кўзимни олиб қочдим. Гўё у ҳам менга нафрат билан қараб тургандек туюлди...

Онамнинг гаплари тўғри чиқди. Келаси йили баҳорда қалдирғочлар қайтиб келмади. Шунда уйга кириб ҳеч кимга билдирмасдан йиғладим. Кечириб бўлмас айбим учун йиғладим. Мана, тўрт йилдирки, ўз қилмишимдан ўзим қийналаман. Бу баҳорда қайтишармикан?

**Қаҳрамон СУЯРОВ.**

**«Нафосат гулшани»да қатнашган муаллифларнинг илтимосига кўра, уларнинг қалам ҳақлари Арманистонга ёрдам учун 700412 счётга ўтказилади.**

## Дўстликнинг олтин кўприги

# Бир китобнинг икки бети

Инсоний фазилатларни санаб саноғига етиб бўлмайди, шулар қатори мен икки гўзал фазилатни — одамийликни ва дўстликни муқаддас деб биламан. Она-Ватанимиз қанчалар бепоён бўлса, унда яшаётган турли миллатларнинг қон-қардошлиги, биродару жондошлиги, дўстлик ришталари ҳам чексиз, улар бир-бирига шу қадар чамбарчаски, бу олтин занжирни ҳеч қандай куч узолмайди.

Халқларимизнинг қон-қардошлиги ҳақида ўйларканман, қозоқ дўстларимиз билан дўстлик алоқаларимизни эслаб, қозоқларнинг истеъдодли шоири Туманбой Мўлдағалиевнинг «Ўзбегим— ўз оғам» шеърини зўр ҳавас билан ва айни чоғда, шу шеърни нима учун бизнинг шоирларимиз ёзмади экан, деган ўкинчли туйғу билан ўқиб чиқдим.

**Қозоғу ўзбек қадим қондош тайин,**
**Бу туйғу дилга сурур берар майин.**
**Тошкентда юрганим кез дўстлар билан**
**Бўламан Олмаотада юргандайин.**
**Тошкентнинг гулбоғлари ўз боғимдай,**
**Кўчалари кўнглимнинг қароғиндай.**
**Дунёда оху кўз кўп, бўта кўз кўп,**
**Кўз борми ўзбек кўзин қароғиндай!**
**Жон Тошкент қалбимни гар банди этса,**
**Нечун мен ёшармайин, бўлай кекса?**
**Йигитда армон қолмас бир сулувнинг**
**Ўтида парвонадек куйиб кетса.**
**Биламан, о ўзбегим, кўпдан сени,**
**Хуш кўрмайсан қозоқнинг сергапини...**

Шоир жуда тўғри айтади. Ўзбекнинг сергапини қозоқ ҳам ёқтирмайди. Гап шундаки, биз бу қардошларимиз билан нафақат дўстмиз, балки қариндошмиз, жондошмиз. Негаки, биз аралашиб, тез-тез муносабатда бўлиб ўсган халқмиз, қуда-андамиз. Бизнинг муносабатларимизга ҳеч ким раҳна сола олмайди. Ери — еримиз билан, суви — сувимиз билан туташ; улар етиштирган гўшт, ёғ, ғалла бизнинг ҳам насибамиздир. Биз етиштирган пахтаю мева-чевалар уларга ҳам насиба, уларга ҳам либос бўлади. Адабиётимиз адабиётлари билан, санъатимиз санъати билан ҳамоҳанг.

**Қозоқ йўқдир Ҳамзани ўқимаган,**
**У машъалдир — ўтли йиллар яркираган.**
**Ойбеку Авезовлар турар қатор,**
**Собит билан елкадошдир Ғафур оғам.**

Гап дўстлик, ҳамкорлик ҳақида борар экан, гапимиз ҳавойи бўлмасин учун бир-иккита мисол келтирмоқчиман: биз қардошларимизнинг энг яхши асарларини мунтазам равишда таржима қилиб, нашр этиб турамиз. Бу борада Олмаотадаги «Жазуши», «Жалин» нашриётлари катта жасорат кўрсатяпти, десам муболаға бўлмас. Улар яқин йиллар ичида ўнлаб ёзувчиларимизнинг энг яхши китобларини қозоқ тилига ағдариб, чоп этдилар. Булар Саид Аҳмаднинг «Уфқ» трилогияси, Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси», Пиримқул Қодировнинг «Бобур», Ҳамид Ғуломнинг «Тошкентликлар», Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати инсон» романлари, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг (100 йиллик юбилейи муносабати билан) танланган шеърлари, Яшиннинг пьесалар мажмуаси, Эркин Воҳидовнинг шеърий китобларидир.

Мазкур нашриётлар яна бир талай асарларимизни чоп этишни планлаштирган. Бу китоблар ҳам яқин кунлар ичида ўз ўқувчилари қўлига бориб етади.

Қозоқ биродарларимиз ўзбек драматургларининг асарларини ҳам таржима қилиб, саҳналаштирганлар. Эсингизда бўлса, аввалги йили Мухтор Авезов номидаги катта академик театри Тошкентга гастролга келганида Уйғун ва Иззат Султонларнинг «Алишер Навоий», Саид Аҳмаднинг «Келинлар қўзғолони» драмаларини саҳналаштириб олиб келишган бўлса, бизнинг Ҳамза номидаги Ленин орденли ўзбек Давлат академик театримиз ҳам Мухтор Авезовнинг «Абай» фожиасини, Олтинсоч Жағанованинг «Ҳазрати аёл» пьесасини катта маҳорат билан саҳналаштириб, қозоқ дўстларимизда катта таассурот қолдирди.

Ўз навбатида бизнинг Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётимиз ҳам, «Ёш гвардия» нашриёти ҳам қарздор бўлиб қолаётганлари йўқ. Улар ҳам қозоқ биродарларимизнинг энг яхши асарларини мунтазам равишда нашр қилиб турибди: илгариги чиққан китобларни санаб ўтирмайман, уларнинг саноғи йўқ. Яқиндагина босмадан чиққан Ғабит Мусреповнинг «Қозоқ солдати» романи, Собит Муқонов ва Қалмақон Абдуқодировларнинг «Чўлоқ полвон» ва «Ҳожимуқон» қиссалари, истеъдодли шоир Ўлжас Сулаймоновнинг «Айланайин» шеърий тўплами, талантли ёзувчи Саин Муродбековнинг «Ёвшан иси» деб номланган қиссалар ва ҳикоялар китоби ва бошқаларни санаб ўтишнинг ўзи кифоядир.

Шуниси қувонарлики, биз шу кунгача қардошларимизнинг бирон асарини таржима қиладиган бўлсак, албатта муносабат қидирар эдик. Ҳозир аҳвол бошқача, ҳеч қандай муносабатнинг ҳожати йўқ. Асар яхши бўлса, агар у асарнинг умум ишимизга нафи тегса бас, таржима қилаверамиз. Бу удум кундалик адабий ва маданий ҳаётимизга сингиб боряпти. Бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолишига ишончимиз комил.

Яна шу нарсани фахр билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон телестудияси қошида, радиоси ҳузурида қозоқча кўрсатувлар, эшиттиришлар мунтазам равишда олиб борилянти. Олмаотадай шаҳри азимда беш-олтитагина қозоқ мактаби бўлгани ҳолда, Тошкентимиз теварагида икки юзга яқин қозоқ мактаблари ишлаб турибди.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида, Сирдарёдаги Ғафур Ғулом номидаги педагогика институтида қозоқ факультетлари мавжуд. Кооператив асосида «Паризод» деган концерт бригадаси, драмтруппаси мунтазам равишда ишлаб турибди.

Мана шунақа, айтаверса гап кўп. Буларнинг ҳаммаси дўстлигимизнинг, қардошлигимизнинг рамзидир. Буюк Ғафур Ғулом айтганидай, биз «Бир китобнинг икки бетидирмиз».

Яна бир айтиб ўтадиган гап шуки, бизнинг оқсоқол ёзувчиларимиз жуда қалин дўст бўлганлар. Ғафур Ғулом билан Собит Муқонов, Ойбек домла билан Мухтор оға, Уйғун билан Асқар оға Тўқмағамбетов, Миртемир билан Абдулла оға Тожибоев, Саид Аҳмад билан Қалтай Муҳаммаджонов, Одил Ёқубов билан Абдужамил Нурпеисов, Мирмуҳсин билан Сирбой оға Мавленовларнинг дўстлиги одамнинг ҳавасини келтирадиган дўстликдир. Уларнинг борди-келдилари, ўзаро мулоқотлари шахсий муносабат доирасидан чиқиб, халқлар дўстлигига, адабиётларимиз дўстлигига айланиб кетган.

Аммо шу нарсани афсус билан айтиш керакки, ҳозирги ёш ёзувчиларимиз оқсоқолларимиз бошлаб берган бу анъанани муносиб давом эттиролмаётибдилар. Улар республикаларимиздан ташқаридаги ҳамкасбларининг қилаётган ишларидан, нима билан нафас олаётганларидан, қандай асарлар ёзаётганларидан хабарлари йўқ даражада. Ҳамма нарса дўстликдан, борди-келдидан, дастурхондан бошланади. Буни унутмаслигимиз керак.

Ўйлаймизки, Ёзувчилар союзининг раҳбарлари, ёш шоир ва ёзувчиларимиз бу истакларимизни инобатга олиб, оқсоқолларимизнинг муборак удумларини муносиб давом эттирадилар.

Бунга ишончимиз комил.

**Носир ФОЗИЛОВ.**

Редактор Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

